## ШОИР ТАВАЛЛО ТАВАЛЛУДИГА 120 ЙИЛ ТЎЛДИ

Бегали ҚОСИМОВ

# ВАТАН ВА МИЛЛАТНИНГ ЎТЛИҒ КУЙЧИСИ

Шоир Таваллo — Тўлаган Хўжамёров XX аср бошида Тошкентда етишган, халқ ўртасида катта шуҳрат қозонган истеъдодлардан. Ойбек "Болалик"да шундай ёзган эди: "Айвонда мук тушиб, Таваллонинг шеърларини ўқишга киришаман. Ўқийман, диққат билан, берилиб, узоқ ўқийман... Шеърлар рангдор, жонли, тили ўзига хос, равон..."

Бўлажак шоир 1883 йили Кўкча даҳа Оби Назир маҳалласида ўзига тўқ Хўжамёр Жиянбоев оиласида дунёга келди. (Шоирнинг таржимаи ҳолини ёритишда унинг Республика МХХ архивида 32592-рақам остида сақланаётган "Тўлаган Хўжамёров иши" (119 саҳифа) материалларидан фойдаланилди — Б.Қ.) Эски мактабда савод чиқарди. "Бекларбеги" мадрасасида, рус-тузем мактабида ўқиди. 10-йиллардан вақтли матбуотда "Таваллo" тахаллуси билан шеър ва мақолалари босила бошлади.

1914 йил 30 августда Мунавварқори, Авлоний, М.Подшохўжаев, Ҳусанхўжа Дадахўжа ўғли (ёзувчи Саид Аҳмаднинг отаси), Саидабдулло Саидкарим ўғли Саидазимбоев, Комилбек Норбеков (жами 12 киши)лар билан биргаликда Тошкентда «Нашриёт» ширкатини тузиб, китоб чиқаришни йўлга қўядилар. 1915 йилда эса Авлонийлар ташаббуси билан тузилган "Турон" жамиятида фаолият кўрсата бошлайди.

Адибнинг "Жиноий иши"да сақланган "Меҳнат дафтарчаси"дан маълум бўлишича, у шу йиллари турли идораларда (ижроқўм, ревтрибунал, касаба уюшмаси, савдо, саноат-қурилиш соҳаларида) масъул лавозимларда ишлаган.

Суд-тергов қоидаларига кўра, айбланувчининг қилмишларигина эмас, ташқи кўриниши, ажратиб турадиган хусусиятлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилар эди. Таваллo "Жиноий иши"да ҳам шу хил маълумотлар учрайди. Чунончи, "Анкета маълумотлари"да ёзилишича, унинг «Ташқи кўриниши: ўрта бўй, бўйи 1 метру 56 см., кўзи — қўй кўз, сочи — қора». Дарвоқе, "айбланувчи"нинг яна бир жиҳати махсус таъкидланган: «керагича нотиқ».

1937 йил 14 августда Таваллo «аксилинқилобий» "Турон", "Шўройи ислом", "Иттиҳоди тараққий", "Миллий иттиҳод", "Миллий истиқлол" ташкилотларининг аъзоси", "Миллионернинг ўғли", "шеърларида миллатчилик ғояларини илгари сурган"ликда айбланиб, қамоққа олинади.

Бу пайтда оилада беш киши бўлган: ўзи — 54 ёшда, хотини Зуҳра Миёрова — 40 ёшда, ўғли Мақсуд Миёров — 16 ёшда, қизи Санобар Миёрова — 11 ёшда. 1913 йили туғилган Раҳбар исмли қизи 1936 йили турмушга чиққан бўлиб, Бухорода яшар эди.

Агентура материалларидан: "Т.Х. миллий республикани «мустамлака» деб айтди. Кўпчилик орасида "Ўзбек халқи ўзаро нифоқ ва қўрқоқлик орқасидан хор-зор, қизилларга тутқун бўлди. Сабр косаси бир кун тўлади ва халқ совет ҳукуматига қарши қўзғалишга мажбур бўлади. Агар мен инқилобнинг шундай кунларга олиб келишини билсам эди, бутун вужудим билан унга қарши курашар эдим", деди.

Тўлаган Хўжамёровнинг тергов ишлари тезлашиб кетди. Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари муовини Леонов имзолаган "Айблов хулосаси" 1937 йил 9 сентябрда 25 кунда тайёр бўлди. Унда Таваллонинг 1919 йилги Осипов қўзғолонида "қатнашгани"гача "тасдиқлатиб" олинди ва бир қатор "айб"лар билан учлик ҳукмига ҳавола этилди. Шу йилнинг 19 октябрида НКВД қошидаги учлик мажлисида Таваллo отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Ҳукм ўша йил 10 ноябрда ижро этилди.

Адабиётшуносликда унинг вафот йили 1939 деб кўрсатиб келинарди. Адиб 1968 йил 18 октябрда оқланди.

Таваллонинг Бухородаги қизи Расулова Раҳбарнинг ДХҚ идораларига 1968 йили ёзган хатлари мазмунидан англашилишича, бу пайтда, шоир оиласида ундан бошқа ҳеч ким қолмаган.

Таваллo асарларининг қайта нашри ва у ҳақдаги маълумотларнинг берилиши ҳам 1968 йилга тўғри келади. Марҳум М.Зокирий ва атоқли адабиётшунос-танқидчи О.Шарафиддиновлар ғайрат ва ташаббуси билан дунёга келган ва зарарли китоб сифатида дарҳол йиғиштириб олинган "Тирик сатрлар"даги шоир ижодидан намуналар бу борадаги дастлабки қадамлардан эди. Унинг ягона шеърий тўплами "Равнақ ул-ислом" алоҳида ҳолда 1993 йилдагина нашр қилинди.

Бугун бу номни фақат бизда эмас, четда ҳам биладилар. Германиядаги Бамберг университети туркология бўлимида 1997-1998 йилларда Таваллонинг "Равнақ ул-ислом"и бўйича ихтисослик курси ўқилгани маълум.

Таваллонинг ижодкор сифатида шаклланишида Тошкент адабий муҳитининг роли катта бўлди. Унга Юсуф Сарёмий устозлик қилди. 1916 йили "Равнақ ул-ислом" номи билан чоп этилган шеърий тўплами унинг ҳаётлик даврида босилган биттаю битта китобидир. Мақолалари тўпланган эмас. 20-йилларда "Муштум" ҳажвий журналининг фаолларидан эди. Мазкур журнал саҳифаларида "Мағзава" имзоси билан ўнлаб ҳажвий шеърлари чоп этилган, улар ҳам йиғилган, ўрганилган эмас.

Шоир ижодини баҳолашда асосий манба "Равнақ ул-ислом" бўлиб турибди. Тўплам ҳажман унча катта эмас, 70 тача шеър киритилган. Вазн ва оҳанг анъанавий — арузда. Бироқ мазмун тамом янги. Туркистонни қоплаган жаҳолат ва нодонлик, тутқунлик ва турғунлик ҳақида. Унинг ҳам бошқа ривожланган, тараққий топган миллатлар қаторида фаровон ва бахтли яшашга бўлган ҳаққи-ҳуқуқи тўғрисида.

Шоир, биринчи навбатда, замон ҳодисаларидан илҳом ва таъсир олади. Кўпгина шеърлари ҳаётдаги конкрет янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида. Шунингдек, унинг сўнгги давр турк, татар, озарбайжон шоирларининг шеърлари билан ҳам яхши таниш эканлиги билинади. Чунончи, 1913 йили Абдулла Тўқай вафотидан қаттиқ қайғуради. Матбуотда чиқади. "Шеърларидан кўп баҳралар олғонлиғи"ни, турмуши ҳам Тўқайнинг "таржимаи ҳолига ниҳоятда ўхшаб кетганлиги"ни (у ҳам етим ўсган эди) ёзади. «Тотор қардошларимизнинг машҳур шоири марҳум Абдулла Афанди Тўқаевнинг шеърина тазмин» номи билан унинг "Жумла фикрим кеча-кундуз Сизга оид миллатим", — деб бошланадиган шеърига назирасини эълон қилади. Марҳум шоирнинг маслаку муддаосини, жумладан, миллат йўлида жонини фидо этмоқни ўзи учун муқаддас бурч ҳисоблайди.



"Миллат", "Миллият" тушунчаларига Авлоний ва Таваллоларга қадар шеъриятимизда бунчалик кўп эътибор берилган эмас эди. Хусусан, Таваллода ҳар бир шеър миллат, унинг шу кундаги аҳволи, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, тарихи ва тақдирига келиб боғланади. Шоир жаҳоннинг, чунончи Оврупо ва Америка халқларининг тараққиёт асридаги ҳаётига назар ташлайди. Бир томонда илм-фан, техника янгиликларини турмушга жорий этиб, оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилаётган миллатлар, иккинчи томонда, аллақачон эскириб ишдан чиққан ишлаб чиқариш усули ва воситаларига маҳкам ёпишиб, шуни сўнгги мўъжизадек ушлаб олган Туркистон. Шоир ҳар иккисини муқояса қилади. Бу муқояса, ҳажвий мазмун ташийди, албатта.

Масалан, шундай шеърларидан бири "Ёвруполилар ҳунари бирлан бизларни(нг) ҳунарларимизнинг фарқи" деб сарлавҳаланган. Шеър бошдан-охиригача кесатиқ-қочириқлар, истеҳзо асосига қурилган. Шоир шеърни ҳатто ўз миллатига эмас, "Ёврупо аҳлига" мурожаат билан бошлайди. "Ёврупо аҳли"ни баҳсга, мубоҳасага чорлайди. Шу аснода "занбурак" — "сопқон", "афтомобил" — "хўқанд ароба", "айрипилон" — "варварак", "зобут" — "товар" — «бўйра-бордон» муқоясалари оддий мазах-кулгидан вазиятга фожиавий мазмун берувчи заҳарли истеҳзога айланади.

Мантиқан шундай хулоса чиқади: наҳотки бу ўша довруғи жаҳон Туркистон? Наҳотки бу шўринг қурғурлар дунёга қанчадан-қанча даҳоларни етказиб берган, Амир Темурдай жаҳоний зотлари билан ярим дунёга эгалик қилган, инсониятга инсонларча яшашни ўргатган, асрлар давомида куч-қудрат, ақл-шижоат тимсоли бўлиб келган юртнинг фарзандларидирлар? Аслида, шоир демоқчи бўлган гап ҳам шу.

Таваллo Ватан мавзуига алоҳида эътибор беради. Шеърларидан бири "Суюкли Ватан ҳақинда" деб аталган. Унинг шеърларида "Турон", "Туркистон" атамалари, табиийки, кўп учрайди:

**Деюр астағфурулло, дафъатан шундоғму *Туронлиғ*...**
(*"Уёнмаз эрса миллат"* шеъридан.)

**Ёш-қари қадрини бил, *Турон* элин меҳмонидур...**
(*"Мухаммаси Таваллo бар ғазали Мавлавий Юсуф Сарёмий"* шеъридан.)

Айни пайтда, Ватанни «Туркистон» шаклида англаш ҳам, табиийки, кўп учрайди:

**Шунча Туркистон элинда нодон аҳли кўб вале,**
**Носиҳ ўлмаз эрсалар, ақли расолардин насуд?!**
(*"Халқға фойдаси тегмаганлар ҳақинда"* шеъридан.)

**Десам, дунёда биздек ортда қолғон борму миллатдан,**
**Бу Туркистон элидин тобмадим иқрор, йўх, йўх, йўх.**
(*"Жаҳон айвонида..."* шеъридан.)

Шоир тарих ҳақида сўз очганда, яна бир калимани тилга олади. Бу — Мовароуннаҳр. Жумладан, "Суюкли Ватан ҳақинда" шеъри шундай сатрлар билан бошланади:

***Мовароуннаҳр*дур тарихда бизларга Ватан,**
**Арзиғай бизлар санга хизматда бўлсак, жону тан**

Бу жуғрофий атамалар бир-бирига яқин. Бири хиёл кенгроқ, бири торроқ, фарқи шунда, холос. Иккинчидан, дастлабки байтнинг ўзиданоқ унинг қадри-қимматы ҳақидаги гап ўртага тушади: "Арзиғай бизлар санга хизматда бўлсак, жону тан", — деб ёзади шоир ва "Ватан"га "жону тан"ни қофия қилади. Ватан қадри ҳақидаги бу таърифий фикр, мисрама-мисра, байтма-байт тараққий топиб боради ва ғазал мақтаида:

**Кеч гуноҳини Таваллони, Ватан, эзгу Ватан.**
**Билди аслинг, қилди васфинг, бу ватандандур бадан, —**

деб тугалланади. Бошқача айтганда, Ватан ва унинг сарҳадлари бизнинг баданимиз каби тану жонимизга туташдир. Ватанга дахл танга дахлдир, жонга дахлдир. У шу қадар тан билан жонга қўшилиб кетган. Учинчидан, Ватан ўлик жисм эмас, жонли тандир. Ва у ушбу тупроқда яшовчи ҳар бир ватандош тану жонига пайваста бўлмоғи лозим.

Нима учун шоир мақтаъда Ватандан гуноҳини кечмоқни сўрамоқда?! Матлаъда ҳар бир Ватан фарзандининг унинг олдидаги бурчини белгилаб берган эди. Сўнгида узр сўраяпти. Чунки шоир ўзини унга муносиб хизмат қила олмадим, деб ҳисоблайди. Унингча, биринчи вазифа миллатни уйғотмоқ эди, — у, иншоолло, уйғонди ("уйқудан бош кўтарди"). Навбатдаги иш миллатни тарбияламоқ ва унга юртнинг чинакам эгаси мақомини олиб бермоқ эди. "Зағон" ("қарғалар")ни хижолатга солиб, боғдан "жўнатиш" — мустамлакачилардан халос бўлмоқ эди. Афсуски, буларни амалга ошириб бўлмаётир. Шоир узрининг сабаби шунда. Лекин у мутлақо ишонади: "Бундоқча кунлар бор экан", дейдиган кунлар, албатта келади. Бу шоир тасаллисининг бош сабабидир.

Замонасининг жуда кўп шоирлари каби Таваллo шеърларида ҳам кенг ўринни Миллат ва Ватанга хизмат ҳисси ва шу муносабат билан ўз-ўзига ҳисоб эгаллайди. У бир шеърида **"ҳаволансин, ғизолансин, билинг, бу бир ҳумо, миллат!.."** деб ёзади. Ундаги мантиқ шундай: миллатнинг равнақи учун, биринчи навбатда, ақл ва ғайрат керак. Ғайрат эса иштиёқдан, меҳр-муҳаббатдан туғилади. Ақл ва ғайрат ишончни, ишонч ҳаракатни юзага келтиради. Миллат унга мансуб ҳар бир кишининг жони-жаҳони, бахти-саодати. Бинобарин, ҳумо қуши. У кўкларга парвоз этмоғи лозим. Бунинг учун унга руҳ керак, мадад керак.

Шоир шеърларидан бири "Ўз виждон-вужудима хитоб" деб номланган. Мухаммас шаклида ёзилган ушбу шеърнинг ҳар банди "Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг" сатри билан якунланади. Жонга хитоб ҳар банднинг якунловчиси бўлганлигидан унгача шоир ўз вужудининг ҳар бир аъзосига шарт қўйиб чиқади. Бу шартлар Ватан ва Миллат манфаати йўлидаги хизматга қаратилган. Чунончи, миллатга ёрдамлашмаган, унинг оғирини енгил қилмаган қўлнинг "пул тут"ишга ҳаққи йўқ, миллат ғамини емаган дил "хушнуд" бўлмаслиги керак. Бу ғамдан ёш тўкмаган кўзнинг очилмагани яхши. Миллатга суянчиқ бўла олмаган ақл ва фикрнинг боридан йўғи. Миллат ғамидан бошқа сўзни сўзлайдиган тил лол бўлгани маъқул ва ҳоказо.

Саккиз бандлик ушбу мухаммаснинг биринчи ва сўнгги бандларини келтирамиз:

**Эй қўлум, пул тутма ҳеч, миллатга ёрдамлашмасанг,**
**Бўлма хушнуд, эй дилим, миллат ғамин ғамлашмасанг,**
**Равшан ўлма, эй кўзум, ёшинг тўкуб намлашмасанг,**
**Фикрим, очилма, агар шеъринг ёзиб, хамлашмасанг,**
**Чиқ ичимдан, жоним, эй, сан манга ҳамдамлашмасанг...**

**Дейдилар, бас қил, Таваллo, шеърлар манзур эмас,**
**Миллатинг маҳв ўлса, парво қилмаюрлар, ғам емас,**
**Бунларинг шўрбо-палов, норин ебон, чой ичса, бас,**
**Сўнгра икки елкасига тепсалар ҳам индамас,**
**Чиқ ичимдан, жоним, эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.**

Шеър бир қадар маҳзун оҳангда якунланмоқда. Бу — умидсизлик, нажотсизлик оҳанги. Асорат ва залолат ўз ишини қилган. Миллат аллақачон, Авлоний айтганидек, тирик мурда («мадфун зинда»)га айланган. Унинг қорин қайғусидан бошқа қайғуси йўқ. Шаън-шукуҳ, ор-номус, ўзликдан нишон қолган эмас. Шоир миллатининг очиқ кўзли фарзанди сифатида бундай фожиага чидай олмайди. Шеърни шеър қилган дард — шу.

Таваллo халқ ҳаётини рўй-рост кўрсатишда шеър, шоир зиммасига катта масъулият юклайди. Чунончи, "Қаламга хитоб" шеърида унинг "ҳасрату андуҳ"дан, "меҳнат"дан ёзишини", "тўғри ёз"ишини талаб қилади. Унингча, қаламнинг вазифаси виждонни уйғотмоқдир. Шоирлик — бир умр уйғоқ виждон билан яшамоқ. Шам мисоли ўзи ёниб, атрофни ёритмоқдир. Йўқ-йўқ, халқ, Ватан ҳаётидаги ҳар бир ташвишу қувончдан чақмоқдек чақилмоқ, момақалдироқдек борлиқни ларзага солмоқдир... Унинг биргина қуроли бор. У ҳам бўлса, ҳақ сўз. Ундан чекиниш қаламга ҳам, виждонга ҳам хиёнатдир.

Шеърият — бу кураш. Ўзининг омонат фароғати эмас, кўпнинг манфаати учун адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш. Бас, шундай экан:

**Кел Таваллo, бўл мусаввир, ол қаламни қўлға сан,**
**Чек фронтлар сувратин, кўрсун ҳама наққошлар.**

Шоир "ҳақиқат сўз"ни, дилбанд диёри дардларини айтиш билан кифояланмайди. Уни тузатишга диққатни қаратади:

**Камчиликни назму таҳрири Таваллo қилмасанг,**
**Кел бу кун манзур эмас, ёзма бўлак ашъор ҳеч!**

"Томошабоғ хусусида" шеърида эса, ўзини миллатнинг "отхонасида хизмат эт"ишга, "миллатнинг шалтоғи"ни тозалашга сафарбар қилади. Бундай ҳол адабиётимизда илгари кўрилмаган.

Шоирнинг севимли мавзуларидан бири ҳуррият эди. У инсон эркини ҳар нарсадан устун қўйди. Унинг талқинидаги эркнинг маъноси ғоят кенг. Бу эрк сиёсий, иқтисодий мустақилликдан тортиб нафсга, ҳузур-ҳаловатга, қулликдан озод бўлишгача қамраб олди. У хотин-қизлар ҳурриятига кенг эътибор берди. Масалан, "Қариндош ва ҳамшираларимиз мазлума қизлар тилиндан" шеърида қизлар оталарига мурожаат қилишиб, уларни ҳам ўқитишни, уларга ҳам инсоний муносабатда бўлишни сўрайдилар. Шоирнинг бир қатор шеърлари давр янгиликлари, кундалик воқеалар ҳақида. Масалан, "Ойна" (муҳаррири Беҳбудий) журналининг (1913), "Садойи Туркистон" (муҳаррири Убайдуллохон Асатуллахўжаев) газетасининг (1914) чиқишлари Исмоилбек вафоти (1914), Қарс (Туркия)даги зилзила (1914), айниқса, Биринчи жаҳон уруши ва у билан боғлиқ ҳодисалар Таваллo диққатидан четда қолган эмас. Ўзбек театрининг майдонга келиш воқеаларига бағишланган бир эмас тўрт шеъри бор. Шулардан бири бевосита илк ўзбек театри томошаси 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги «Колизей» театрида Авлоний труппаси томонидан Беҳбудийнинг "Падаркуш" драмаси қўйилишига бағишланган. Шунда машҳур маърифатчи Мунавварқори Абдурашидхонов театр ҳақида нутқ сўзлаган эди. Шеър ҳам шу воқеани ҳикоя қилишдан, "Чўқ мунаввар этди оламни Мунавварқоримиз", деб бошланар эди. Иккинчиси эса театрнинг аҳамиятини таъкидлаб кўрсатди. Шоир фикрича, ёшларнинг театр ўйнаши, миллатнинг ҳаёт асари кўринганидан — тириклигидан нишонадир, "тараққийнинг хабари"дир.

Шоир бармоқ вазнига 20-йилларда, ҳажвияларида мурожаат қилди ва ўзбек ҳажвий шеъриятининг эсда қоладиган намуналарини яратди. Бироқ совет даврида ёзилган шеърларини на ғоявий, на бадиий жиҳатдан 10-йиллардаги шеърларига қиёслаб бўлмайди. Улар енгил-елпи ёзилгандек, кўнгли тўлиб турган кишининг истеҳзосидек таассурот қолдиради.

Бунинг сабаби, бизнингча, иккита:

1. Ижтимоий. Шоир камбағалпарварлик шиорлари билан авом халқни ўзига оғдириб олган болшевиклар сиёсатининг ғайриахлоқий ва ғайриинсоний моҳиятини тобора англаб боради. Миллат ва Ватаннинг тубсиз гирдобга кетаётганидан, ҳалокатнинг муқаррарлигидан, нажотнинг йўқлигидан изтироб чекади. Шўро идораларида, ҳатто унинг ҳуқуқ-муҳофазасида ишлаётганидан қийналади. Кўнглини борлигича оча олмайди.

2. Шахсий. Гувоҳ М.Х.Ҳусанбоев маълумотига кўра, тахминан 1931 йили ўғли Маҳмуд вафот этади. Бу ҳол шоирга қаттиқ таъсир қилади, ичкиликка бериладии. Хуллас, Таваллo ҳаётининг сўнгги йигирма йили жуда кўп замондошлариники каби изтиробли, лекин деярли самарасиз кечди.

Таваллo адабиётимиз тарихида кўпроқ 10-йиллардаги миллатни эрк ва адолатга уйғотган жўшқин эҳтиросли шеърлари билан қолди. Бу шеърлар янги ўзбек шеъриятининг майдонга келишида муҳим бир босқич бўлиб тарихга кирди. Хусусан, Чўлпон шеъриятининг юзага чиқишида маънавий омиллардан бўлди. Ойбекнинг шоир шеърларини алоҳида бир самимият билан эсга олиши сабаби шунда.

Бугун унинг ҳаёти ва ижоди мутахассислар томонидан кенг кўламда ўрганилмоқда, ЎзМУ «Университет» нашриётида «Миллий уйғониш адабиёти манбалари», «Маънавият» нашриётида «Истиқлол қаҳрамонлари» рукнларида шоир асарларидан намуналар нашрга тайёрланмоқда.



Матёқуб Қўшжонов — педтехникум талабалигидан академикликкача бўлган сермашаққат илмий-ижодий йўлни босиб ўтган заҳматкаш олим. Унинг илмий фаолияти асосан XX аср ўзбек адабиёти тадқиқига бағишланган. Олим Ҳамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов ҳақида йирик монографик тадқиқотлар яратган. 50га яқин китоб ва рисолалар, 500дан ортиқ мақолалар муаллифи.

Китобларидан 10 таси рус тилида. Улардан энг йириги "Щедрость таланта" (1980) деб номланади. Олимнинг тадқиқотлари кўпроқ бадиият таҳлилига бағишланган. Бадиият таҳлилини асосан асар матнидан келтириб чиқариш унинг услубидаги асосий фазилатлардан. Шунинг учун ҳам у ҳақли равишда "маҳоратшунос, матншунос олим" дея эътироф этилган.

Кейинги йилларда Матёқуб Қўшжонов бадиий ижод соҳасида ҳам самарали ижод қилмоқда. "Дагиш", "Алам" ёдномалари, эсселарини жамлаган "Дийдор" китоби бунинг далили.

Устоз олимнинг илмий раҳбарлигида 5 фан доктори, 14 фан номзоди етишиб чиққан. Улар устоз изидан бориб, адабиётшунослик ривожига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Матёқуб Қўшжонов хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ҳамза номидаги Давлат мукофоти, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби.

Бу йил академик Матёқуб Қўшжонов 85 ёшга тўлди. Устоз олимни табаррук ёши билан муборакбод этамиз ва илмий-ижодий ишларида янада улкан зафарлар тилаймиз.

# АДАБИЁТ ВА ИЛМ САРҲАДЛАРИДА

Айримларда мамлакатимиз тараққиёти бирмунча секин бораяпти, деган тасаввур бор. Бироқ, аслида, бугунги кунимизга чуқурроқ назар ташласак, умумҳаётимизда катта жонланишу янгиланишлар борлигига амин бўламиз. Бу фикримни адабиётимиз ва маърифатимиз сарҳадларига бир назар ташлаш орқали исботлашга ҳаракат қиламан.

Яқинда Комил Нуржон, Рўзимбой Ҳасанларнинг "Жайҳун мироби" номли китобчаси қўлимга тушиб қолди, қунт билан ўқиб чиқдим. Китоб марказида шўролар даврида тоталитар мафкура қурбони бўлган, Хоразм вилояти доирасида йирик сиймо ҳисобланган Муҳаммад ҳожи Аминаддин образи туради. Тўғриси, Хоразм элида шундай шахс ўтгани менда ғурур ҳиссини уйғотди. Бу улуғ сиймо 1873 йили рус истилочилари Хоразмга бостириб келган пайтлари дунёга келган экан. Муаллифлар бу воқеани қайд қилиш мақсадида генерал Кауфман қўшинлари билан Хоразм аскарлари орасида бўлиб ўтган жанглар тафсилотига эътиборни жалб қилади. Ўша йили туғилган бу чақалоқнинг ҳаёт йўли китоб марказида туради. Унинг ўсиб-улғайиши, мадраса таълимини олиши; кейин Тўрткўлда рус-тузем мактабида, кейин эса Франциядаги, ер-сув хўжаликлари коллежида ўқиши, чет тилларини ўрганиб, хорижий мамлакатларнинг хўжалик ишларини юритиш ва маданият соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишиб, етук мутахассис сифатида она-юрт тараққиётига қўшган ҳиссаси батафсил тасвирланади. У Хива хонлиги даврида фаол шахслардан ҳисобланган отаси Аминаддин ўрнида Хонқа уездида ҳоким сифатида иш юритади. Октябр тўнтаришидан кейин эса шўролар сиёсатини бошқарадиган йирик шахслардан бири бўлиб қолади. У касб-кор жиҳатдан ер-сув ишларининг йирик мутахассиси, Хоразмнинг бош мироби эди. Бу сифатлари билан Муҳаммад ҳожи Аминаддин Хоразм эли ва Тошҳовуз вилоятини Амударё сув тошқинлари — Дагиш ўпирилишларидан сақлаб қолишда бош вазифани адо этади.

Афсуски, шўролар даврида йирик сиймолар фаолияти ҳаммага ёқавермасди. Тоталитар мафкура гурзиси доим бундай шахслар боши узра ўйнаб турарди. 30-йилларда ўзбек халқи бошига тушган йўқотишлар Муҳаммад ҳожи Аминаддинни ҳам четлаб ўтмади. У 1937 йили тоталитар мафкура қурбони бўлиб кетди.

Китобнинг бош фазилатларидан бири, унда Муҳаммад ҳожи Аминаддиннинг машаққатли ҳаёт йўли шунчаки қайд қилиб ўтилмайди, тарихий воқеаларга йўғрилган ҳолда тасвирланади. Чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз, ҳажм жиҳатдан катта бўлмаган бу китобча бутун бир романга арзийдиган таассурот уйғотади.

Китобнинг бошқа бир муҳим фазилати, унинг матни бир шахс ҳаёти хусусидаги қайдлардангина иборат эмас. Муаллифлар анчагина бадиият бўёқларини ҳам ишга солишган. Шахс ҳаёти мантиқига монанд тўқималар ҳам ўрнида ишлатилган. Шулар туфайли китоб қизиқиш билан ўқилади.

Табиий, биз ирсиятчи эмасмиз. Бироқ яхшилар ва фаоллар шахсиятига хос хислатлар фарзандларга ўтишини ҳам инкор қила олмаймиз. Муҳаммад ҳожи Аминаддиннинг кейинги авлодлари унинг ўзига ўхшаган фаол шахслар бўлиб етишганлари бунинг далили. Улардан бири собиқ табобат вазири, эндиликда профессор Абдулла Худойберганов, яна бири туман ҳокими Неъматулла Худойберганов.

Яна бир ҳақиқат: "Жайҳун мироби"га ўхшаган китоблар яратилишини шўролар даврида тасаввур ҳам қила олмасдик. Бу тараққиёт ва янгиланиш аломати эмасмикин?!

Яқинда ёзувчи дўстларимдан бири "Буни ҳам кўриб қўйинг", деб қўлимга бир китоб тутқазди. Китоб 2003 йили Андижонда нашр қилинган бўлиб "Драматургия" деб аталар экан. Унинг муаллифи андижонлик ижодкор Олимжон Холдор. Китобдаги драмалар ичида "Миркомилбой" асари қизиқтирди мени. Қизиғи шундаки, драма мазмун жиҳатидан "Жайҳун мироби"га яқин. "Жайҳун мироби"да инқилобга қадар масъул ишларда ҳизмат қилиб, бор илми ва тажрибасини эл-юрт учун сарф қилган бир ўзбек зиёлиси образи яратилган бўлса, "Миркомилбой" драмасида инқилоб арафасида Андижонда яшаб, донғи кетган бой, унинг ўз сўзлари билан айтганда, "давр корчалони" образи яратилган. "Миркомилбой" оддийгина бойлардан эмас, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган шахслардан. 1916 йилги халқ ғалаёни, Дукчи эшон воқеаларида ва умуман мустамлакачилик сиёсатига қарши олиб борилган барча ҳаракатларда сезиларли ўрин эгаллаган тараққийпарвар давлатмандлардан. У бор кучи билан жадидчиликни қўллаб-қувватлаган, маърифатпарвар ёшларнинг камол топишига кўмаклашган.

Драмада Миркомилбойнинг ҳаёт йўли тўла акс этган. Миркомилбой инқилобдан аввалги Ўзбекистонда капиталистик муносабатнинг шакллана бориши, шу билан баробар, маърифатпарварлик ғояларининг муҳим ўзгаришларга йўл очишида фаол қатнашган шахс образидир. Бошқача айтганда, у Россия истибдодини ва унинг янги шаклларини ҳаётга жорий қилаётган, шўроча тартибларни инкор қилишдан қайтмайдиган сиймо.

Жанр эътибори билан асар фожеий драма. Унда танланган воқеалар драманинг ушбу асл мазмунига мос тушади. Бир томондан, ўша даврнинг йирик капиталистик мамлакати ҳисобланган Россия, ҳатто тараққиётни қиёмига етказган Оврупа ва Араб мамлакатларидаги йирик иқтисодий ва сиёсий корчалонлар билан беллаша оладиган, ўша даврда марказдан узоқ бўлган бир ҳудуд вакили Миркомилбой оддий бир терговчининг ҳийла-найранглари қурбони бўлиб кетади.

Андижонда саҳналаштирилган бу драма томошабинларда катта таассурот уйғотгани шубҳасиз.

Шу билан бирга, айрим жойларидаги публицистик оҳанг ҳаётнинг бевосита тасвирига тушмаётгандек кўринди менга. Булар ўрнига шекспирона ечим топилса, драманинг таъсир кучи яна ҳам ортар эди. Бундан қатъи назар шу мазмундаги драматик асарнинг яратилиши ва саҳнага қўйилиши адабиёт ва санъат учун янгилик.

Жавонимдаги янги китобларни кўздан кечирар эканман, "Феруз" деб аталган бир асарга кўзим тушди. Китоб муаллифлари — Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасул. Бу китобда бадиийятдан кўра, тарихий воқеаларни қайд қилиш руҳи устувор.

Маълумки, мамлакатимиз тарихида муҳим бир анъана бор. Бу юртни бошқарган ҳукмдорларнинг аксарияти илм-фан, адабиёт ва санъат тараққиётига раҳнамолик қилибгина қолмай, ўзлари ҳам Улуғбек сингари илмнинг айрим соҳалари бўйича ихтиро ва кашфиётлар яратганлар. Айримлари Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Амир Умархон сингари бадиий асар яратишга бел боғлаганлар. Хива хонларидан Абулғози Баҳодирхон бу анъанани давом эттирган. Шу хилда Муҳаммад Раҳим Феруз ўзидан бебаҳо адабий мерос қолдирган. Мазкур китобда Ферузнинг ёшлик чоғларидан то умрининг охиригача бошдан кечирган воқеалари силсиласи баён қилинади. Кўп ўринларда унинг маданият ва адабиёт тараққиётига қўшган ҳиссаси алоҳида муҳаббат билан тилга олинади. Китобнинг баъзи бобларида Феруз яратган бадиий асарлар таҳлил этилади.

Тарихчилар, адабиётчилар учун кейинги йилларда Феруз ва у яшаган давр адабиёти, шунингдек, тарихи ҳам бош мавзулардан бири бўлиб қолди. Комил Аваз сценарийси асосида Феруз ҳақида филм яратилди, драматик асар юзага келди.

Буларнинг ҳаммаси қувонарли. Чунки, шўролар даврида адабиёт ва санъатимизнинг муҳим бир қисмини ташкил қилган кўпгина шахсларнинг ижодий мероси тилга олинавермас, тилга олганлар тоталитар мафкура зарбига дучор бўларди. Бир воқеа эсимда:

50-йиллар охирида Хивага бордим. Ферuздан қолган ашёлар билан танишиш истаги туғилди менда. Аммо, ерли раҳбарлар бу истагимни қондириш иложини топиша олмади. Вилоят органларидан рухсат олишга тўғри келди. Махсус шахслар мени бошлаб Феруз яшаган жойга олиб боришди. Қўшқулф осиғлиқ кичик бир хонани очишди. Бу зах хонада Феруз оиласига тегишли ашёлар, жумладан, унинг расм ва партретлари қаровсиз ҳолда шунчаки ташлаб қўйилганига кўзим тушди. Кўрдиму ич-ичимдан ачиндим. Инсон зотининг қадрсизланиши намунаси эди бу. Эндиликда мустақилликка эришганимиздан кейин Феруз даври адабиёти ва санъатининг қайта тикланиши ҳаётимизда рўй бераётган улуғ ўзгаришларнинг бир кўриниши, деб ҳисоблаш керак.

Шогирдларимдан бири Қурбон Муҳаммад Ризо "Авесто"нинг 2700 йиллиги муносабати билан ёзиб нашр қилинган "Зулматга нур" (2001) номли китобчасини менга йўллабди. Эътибор билан ўқидим. Достон қизиқарли сюжет асосида битилган. Оддий бир оилада чақалоқ туғилади. Унинг исмини Магупта деб аташади. Чақалоқ кўзга алоҳида ташланадиган зот сифатида ўса бошлайди. Бундан хавотирланган душманлар Магупта ўсаётган уйга ўт қўйишади. Душманлар не кўз билан кўрсинларки, уй ёнади, чўғ бўлади, бироқ бола эсономон, ўт ичида бехавотир:

**Уйинга берилиб,**
**Чўғни кафтига олиб,**
**Гоҳи оғзига солиб,**
**Бемалол юрар бола,**
**Уйин билан овора.** (18-бет)

Давоми тўртинчи бетда.

## ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА



***"Шарқ юлдузи" журналининг 2003 йил учинчи фасли нашрдан чиқди.***

Мазкур фаслнинг мундарижасини белгилайдиган йирик асарлар — Учқун Назаровнинг "Яшашга маҳкум этилганлар" романи, Пиримқул Қодировнинг "Тил ва эл" илмий бадияси ҳамда Тоҳир Маликнинг "Жиноятнинг узун йўли" рисоласи катта қизиқиш билан ўқилиши аниқ. Бу асарларнинг боши журналнинг иккинчи фаслида эълон қилинган эди. Ушбу фаслда ҳар уч асарнинг якуний қисмлари билан танишасиз. Собир Ўнарнинг янги "Инқилоб кечаси" номли қиссасида болалик хотиралари билан боғлиқ ғаройиб воқеалар ҳикоя қилинади.

Учинчи фасл Турғун хожи Тошпўлатовнинг "Миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётда тобланган дастури" мақоласи билан очилади.

Поэзия ихлосмандлари бу гал шеъриятимиз навқирон авлоди вакилларининг янги туркумларини ўқиб, завқланиш имкониятига эга бўладилар. Асқар Маҳкамнинг "Остона ортида хотиротимиз", Минхожиддин Мирзонинг "Шамлар юлдуз каби ёнарди", Зикрилла Неъматнинг "Ватан, сен учун қалблар бедордир" деб номланган туркум шеърлари, "Мушоира" рукнида эълон қилинган ёш қаламкашлар машқлари ҳамда қурилик шоирлар шеърларидан сараланган гулдаста сизга бир олам қувонч бағишлайди.

Айни кунларда таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонланаётган улуғ бобомиз Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг "Мақомати Юсуф Ҳамадоний" рисоласини С.Рафиъиддин ва Н.Ҳасан таржимасида ўқийсиз.

"Адабий давра" рукни остида халқ эртаклари, шеърият масалаларига алоқадор адабиётшунослик мавзуларидаги тадқиқотлар билан танишасиз.

Беозор кулгига йўғрилган Турсунбой Адашбоевнинг "Латифбойнинг лофлари" ҳазил шеърий туркуми қалбимизга ўзгача завқ ва сурур бахш этади.



***"Тафаккур" журналининг 2003 йилги 4-сони мундарижаси ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий мавзудаги мақолалар, янги шеърлар, илмий тадқиқотлар билан бойитилган.***

Абдураҳим Эркаевнинг "Фуқоролик жамияти пойдевори" мақоласида демократик жамиятда кўпчиликнинг сиёсий иродаси қай тарзда намоён бўлиши ҳақида мулоҳаза юритилади. Ғайри илмий тасаввур ва тушунчалар, турли бидъат ва хурофотлар қаердан пайдо бўлади? Бу жумбоқ атрофида Баҳодир Зокир "Илм ва ғайриилм" мақоласида мулоҳаза қилади. В.Алимасовнинг таниқли инглиз олими Карл Поппер улуғ файласуфлар таълимотининг назарий ва ғоявий асосларини кескин танқид қилган "Очиқ жамият ва унинг душманлари" асари ҳақидаги мақоласи ҳам "Тафаккур"нинг мазкур сонидан жой олган.

Бу гал "Юрак тилга кирди" рукни остида таниқли шоир Муҳаммаджон Раҳмоннинг "Бори умрим илтижо, хайру хитоб" номли янги туркуми билан танишасиз.

Журнал мундарижасини бойитган асарлар қаторида Нажмиддин Комиловнинг "Ҳикмат ва ибрат бўстони", Иброҳим Ҳаққулнинг атоқли адиб Садриддин Айний ҳаёти ва ижоди ҳақидаги "Устоз", Убайдулла Уватовнинг "Илм уммонида сузган аллома" мақолаларини санаш мумкин. Шунингдек, туркиялик тадқиқотчи Илхон Оқшитнинг "Ҳарам" номли асаридан берилган парча ҳам журналхонларда катта қизиқиш уйғотиши тайин.

Журналнинг "Талқин ва тадқиқотлар" рукни остида тарихий, адабий-бадиий, матбуот ва бошқа мавзулардаги изланишлар билан танишасиз.

# ЮЗ ОҲАНГЛИ БИР ҚЎШИҚ

## «Ўзбекистон — умумий уйимиз» республика дўстлик ва маданият фестивали мадҳидек янгради

**Боши биринчи бетда.**

Зикр этилганидек, бу фестивалнинг якунловчи босқичи эди. Бунгача эса Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бир неча ой давомида ушбу дўстлик ва маданият байрамининг муқаддималари бўлиб ўтди. Минтақалардаги бу тадбирлар ҳам кун бўйи давом этди. Республика байналминал маркази саройида эса 135та миллий маданият марказлари уюшмалари ҳамда Тошкент шаҳрининг 22та миллий маданий маркази фестивалини ўтказиш учун оз эмас, кўп эмас бутун бир ҳафта талаб этилди.



Фарғона, Навоий, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри, умуман бошқа минтақалардаги фестивалнинг илк босқичи ҳеч муболағасиз ҳақиқий дўстлик ва маданият шодиёнаси, тантанасига айланиб кетди. Ҳам ўз миллий, ҳам ўзбек куй ва қўшиқлари, рақсларини ғоят самимий, кўтаринкилик, завқ-шавқ билан ижро этаётган ҳаваскорларнинг иштиёқи, жойларда бу тадбир учун ажратиб берилган энг яхши санъат ва маданият саройларини тўлдирган томошабинларнинг қувончи сизни ҳам ўз-ўзидан бу кайфият гирдобига олиши турган гап эди. Ана шундай қардошлик ва биродарлик руҳияти қалбингизни жунбушга келтираётган, бири-биридан гўзал ва жозибали чиқишлар ўз сеҳри ила ром этаётган дақиқаларда беихтиёр бу фестивал сунъий ўйлаб топилмаганлиги, балки кўп миллатли, ўта санъатсевар халқимиз ижодиётининг шаффоф чашмалари кўзлари ўз вақтида очилганлигини тан олардингиз...

Ташкилотчилар олдида эса бу юзлаб ажойиб, серқирра куй ва қўшиқлар, рақслардан энг сараларини танлаб олишдек ўта машаққатли, айни вақтда жуда нозик масъулият турар эди. Якунловчи босқич фестивал танловининг жойлардаги ҳайъат аъзолари асосан бу вазифанинг уддасидан чиққанликларидан далолат берди.

Мана, ўзбекча «Асл ёр» ашуласи янграмоқда. Агар сухандон бу қўшиқни Тошкент вилоятининг Чиноз туманидан Елизавета Цой ижро этади, деб эълон қилмаганида, саҳнадаги хонанда миллатини аниқлашингиз мушкул кечарди. Негаки, оҳанг жилолари, авжларида ҳийлагина бўлса-да, талаффуз фарқини англаб бўлмасди. Аксинча, дилни сеҳрлайдиган соф ўзбекона ширали овоз бутун вужудингизни қамраб олаверарди.

Саҳнада этиклари пошналаридан чақмоқ чақнатаётган йигитлар «Андижон полка»сини шиддат билан яйраб ижро этмоқдалар. Раққослар Тошкент шаҳридаги грек миллий маданий марказининг «Сиртаки» ансамбли ҳаваскорлари. Тошкент, унинг чиройи, латофати, ўзбек диёри улар учун бениҳоя қиррали эканлиги ҳақида рус маданият марказининг «Калинушка» ансамбли жўшиб куйлайди.

Республика яҳудийлар миллий маданий марказининг «Шалом Ташкент» ансамбли ижросидаги ўзбекча «Дучава», немис маданий маркази «Шнигель» гуруҳи намойиш этган «Роҳат» миллий рақслари, турк миллий маданий маркази ансамбли хушовоз салисти Саломат Жавдат қизининг «Тановар», Тошкент вилоятидан Магдалина Кимнинг «Ўзбекистон» қўшиқлари томошабинлар томонидан диёримизга битилган қасидалардек олқишлар билан қабул қилинди.

Миллий маданий марказлар ўз санъатларини, удумлари, одатларини асраб-авайлаб, бойитиш, кенг тарғиб этиш учун умумий уйлари — Ўзбекистонда ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилганлигини ҳам фестивалда ёрқин намойиш этдилар. Славян маданияти Фарғона вилоят марказининг вокал-хореография ансамбли «Рус ярмарка»си композициясини ижро этаётганида, беихтиёр ўзингизни ўтган асрларда Нижний Новгороддаги анъанавий шўх, қувноқ шодиёналарда, Сурхондарё вилоятидаги «Халқобод» маҳалласининг туркман миллий маданий маркази «Келин тушириш удуми» саҳнасини намоён этаётганларида, қўшниларимиз тўйининг гувоҳига айлангандек ҳис этасиз. Дунган миллий маданий марказининг ансамбли ижросидаги «Пекин олтин тоғларида» қўшиғи ўз қанотларида сизни Хитойга, озарбойжон миллий маданий марказлари уюшмаси «Булбуллар» ансамблининг «Шушанин даглари» Кавказорти, «Видергебурт» немис маданий марказининг «Фольксдойчтанц» ансамблининг хореография композицияси миллий байрамга, поляк маданий маркази «Светлица Польска» ансамблининг «Андя» қўшиғи Польша ўрмонзорларига олиб қочади...

Бир-биридан жозибали бу куй-қўшиқларни тинглаб, рақсларни томоша этар экансиз, ҳозир саҳнада жуда истеъдодли бўлса-да, профессионал ижрочилар эмас, балки санъатга иштиёқманд ҳаваскорлар эканлигини унутиб қўясиз. Айниқса, Сирдарё вилояти «Моранбон» корейс ансамбли ижро этган «Менинг севимли гулим» рақсини хореография санъатининг ёрқин кўриниши, деб баҳолаш мумкин. Бу ансамбл раққосаларининг ижрочилик маҳорати халқаро танловлар лауреатлигига муносиб топилганлиги асло бежиз эмас. Худди, шунингдек, Самарқанд вилояти «Топотушки» ансамблининг рус миллий , Фарғона вилояти немис маданият марказининг бочкалар билан, рус маданият маркази «Улибка» ансамблининг рақслари, Тошкент шаҳридаги грек маданият жамияти ансамбли жажжи ижрочиси Христина Папандонулонинг ҳаммани ҳайратга солган Мэрилин Монрога тақлиди гулдурос қарсакларга кўмилиб кетди.



Хуллас, фестивалда ижро этилган деярли ҳамма куй ва қўшиқлар, рақслар номма-ном таърифлашга арзигуликдир. Лекин уларнинг сўз билан баёнини эшитиш эмас, балки томоша қилиш, айниқса, бу байрамнинг қайноқ дўстона муҳити оғушида бўлиш керак эди...

Калом ўрнида эса республика миқёсдаги бу катта фестивал жуда кўп ташкилотчилар ва ҳомийлар саъй-ҳаракатларининг самараси бўлганлигини эътироф этиш жоиз. «Ўзбекистон — умумий уйимиз» фестивалини ўтказишда Маданият ишлари вазирлиги ва Республика байналминал маркази, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, маданият ишлари бошқармалари, пойтахт туманлари ҳокимликлари, кўплаб ҳомийлар камарбаста бўлдилар. Шунинг учун бу улкан дўстлик ва маданият байрамининг барча қатнашчилари мукофотлар, совғалар билан сийландилар.

Фестивал халқ ижодиёти сарчашмалари жуда чуқур ва кенг кўламли эканлигини, турли миллат ва элатлар санъати бир-биридан куч-қувват олиб, бир-бирини бойитиб боришини ёрқин намоён этди. Илк парвози сарбаланд бўлган, янги халқ истеъдодларини кашф этган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият байрами анъанавий бўлиб қолишига ишончимиз комил.

**Э.ЭРНАЗАРОВ**

# Дунё — кенг...



### "ИШБИЛАРМОН" РУҲОНИЙ

**Тель-авивлик руҳоний-раввин Давид Агарон пул топишнинг антиқа йўлини ўйлаб топди — у марҳумларнинг руҳини дўзахдан жаннатга ўтказиб қўйиш, тирикларни гуноҳидан озод қилиш орқали яхшигина бизнес қила бошлади.**

Раввиннинг "прейскурант"ида нафақат жаннатдан "жой" олиб беришнинг, шунингдек, гуноҳдан холи қилишнинг нархи ҳам белгиланган. У бир аёлдан отасининг руҳини дўзахдан жаннатга "ўтказиб қўйгани" учун ўн олти минг доллар олди. Дарвоқе, бу — "ишбилармон" руҳоний кўрсатган хизматлар орасида энг қиммати.

Бошқа бир хил хизматлар нархи чидаса бўладиган даражада. Масалан, хотинини алдаган бир кишининг гуноҳини раввин дўзахда уч кун азоб чекишга лойиқ, деб белгилади ва ундан нақд икки юз доллар ундириб, мижозни уч кунлик дўзах азобидан "қутқарди".

"Ишбилармон" руҳонийнинг антиқа бизнеси қанча вақт давом этгани ҳақида маҳаллий матбуот ҳеч қандай маълумот бермаган. Эҳтимол, бу тафсилотлар қирқ уч ёшли тадбиркор-раввин устидан очилган жиноий иш якун топгач аён бўлар. Қизиғи шундаки, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари яширин камера билан Давид Агароннинг синагогда "жаннатдаги ер участкалари сотиш" бўйича "маркетинг компанияси"ни ўтказаётганини суратга олишга муваффақ бўлди. Тасмага анойи харидорларнинг "жаннатдаги жой учун" ҳақ тўлашган ҳолатлари тасвири ҳам туширилган.

### ЎҒИРЛАНГАН ПУЛ СОЛИҒИ

**АҚШнинг Колорадо штати суди ўғирланган пулдан солиқ тўламаган товламачини қамоқ жазосига ҳукм қилди.**

Маҳаллий прокуратура органининг хабарида айтилишича, йирик газеталардан бирининг молия директори бўлиб ишлаган Марк Ален Бриз исмли амалдор редакция ҳисоб рақамидан 250 минг долларни ўмарган. Буни ҳамкасблари пайқашмаган, боз устига, уни компания директорлари кенгаши раиси — нашриёт раҳбари лавозимига сайлашган.

Агар АҚШ солиқ органлари тармоғидаги ички даромадлар хизмати ходимлари ҳушёрлик кўрсатишмаганда, у ўғирланган пулдан солиқ тўламай, ғайриқонуний тарзда улардан фойдаланиб юрган бўларди.

Ален Бризнинг товламачилиги унга икки карра жавобгарлик юклади — у ҳам ўмарган маблағдан солиқ тўламагани ва маблағни ноқонуний йўл билан ўзлаштиргани учун жазоланди.

### МАДОННАНИНГ МИЛЛИОНЛАРИ

**Бугунги кунда энг кўп қалам ҳақи ижодкорлардан кўра машҳур санъаткор, арбобларга насиб этаётгани сир эмас.**

Хусусан, жаҳонга доңғи кетган хонанда Мадонна кейинги пайтда болаларга эртаклар ёза бошлаган. Яқинда "Пингвин" нашриёти унинг бешта эртаги қўлёзмаси учун муаллифга олти миллион доллар тўлади. Поп-юлдузнинг биринчи китоби қисқа муддатда дунё халқларининг ўттиз тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Уларнинг адади бугунги кунда бир неча миллион.

Бироқ Мадонна олган қалам ҳақини Хиллари Клинтонникига ҳечам тенглаштириб бўлмайди. АҚШнинг собиқ президенти рафиқаси хотиралар китоби учун саккиз миллион доллар ишлади. Унинг рақибаси Моника Левински Б.Клинтон билан ишқий можароларини китоб қилиб, анча бойиб олди. Унинг қалам ҳақи уч миллион доллар.

Ҳозир "Пингвин" нашриёти Билл Клинтоннинг мемуарлари қўлёзмасини сотиб олишга тайёр турибди. Айтишларича, собиқ президент китобини битириш арафасида экан. Нашриёт бу қўлёзма учун жуда катта — ўн, ўн икки миллион доллар тўламоқчи.

# УЧРАШУВ

**Олимжон САЛИМОВ:**

# МАКТАБ ЎҚУВЧИСИга...

## соф муҳаббат ҳақида ҳам гапириш мумкин

***Кейинги пайтларда республика Ёш томошабинлар театрининг ижодий ютуқлари ҳақида тез-тез илиқ фикрлар билдирилмоқда. Жамоанинг бир неча спектакллари томошабинларда қизиқиш уйғотди, ҳатто чет элларда эътибор қозонди. Шубҳасиз, бу ютуқларда театрнинг бош режиссёри Олимжон Салимовнинг ҳам ҳиссаси бор. Унинг мазкур даргоҳда фаолият бошлаганига ўн йил бўлди. Бу муддат режиссёр учун озми ёки кўпми? Олимжон аканинг ўзи бу ҳақда қандай фикрда?***

— Мен Ёш томошабинлар театрига келиб, унга фойда келтирдимми-йўқми, буни яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Умуман, ўн йил давомида бир режиссёр театрни бутунлай ўзгартира оладими, унинг ижодий қиёфаси, репертуари, ишлаш услуби — буларни янгилашга улгуриш мумкинми? Очиғи, бугун бу саволларга ишонч билан "ҳа" деб жавоб беришим мушкул.

Ҳар ҳолда, ўтган давр ичида театр ижодий қиёфасини ўзгартиришга ҳаракат қилдим. Такрорланавериб ғашга тегадиган ижро услуби, бир-биридан фарқ қилмайдиган ўртамиёна спектакллар билан қаттиқ курашдим. Театримизга келган ёш томошабинлар билан фақат "қуёнчалар", "тулкичалар" тили билан эмас, оддий, ҳаммага тушунарли, катталар ўзаро қандай гаплашса, болалар билан ҳам ана шу тилда мулоқот қилишни актёрлардан талаб қилдим.



Дастлаб спектаклларни саҳнага олиб чиққанимдаёқ, мен ҳақимда "у бу театрнинг режиссёри эмас, театр ўз асосий йўналишидан четга чиқяпти", деган гаплар қулоққа чалиниб турарди. Шундай фикрловчи одамлар билан баҳслашишга тайёрман. Чунки мен ўтган ўн йил давомида катталар учун бирорта ҳам спектакл қўйганим йўқ. Биз фақат ўз томошабинларимиз — болалар ва ёшлар учун ижод қилдик. Болаларга "конфет" бериб, алдаш усули тўғри эмас. Уларни ўзим билан тенг кўриб, мулоқот қилишни маъқул кўраман. Албатта, буни ҳамма болалар ҳам тушунавермаган. Аммо спектаклларимизда ҳамиша ҳамма учун тушунарли бўлган "томошавийлик", яъни воқеаларнинг эртакнамо ечими, актёрларнинг жўшқин ижроси, ғаройиб кийимлар, саҳна безаклари ва мусиқа мавжуд. Аслида ҳам томошавийлик саҳна асарининг энг асосий жиҳатларидан бири ва у орқали болаларга зарур гапларни айтиб олиш мумкин.

**— Ҳатто муҳаббат ҳақида ҳамми?**

— Албатта. "Ошиқ Ғариб" достони асосида саҳналаштирилган жуда чиройли спектаклимиз бор. Уни кўрган бир ўқитувчи "Болаларга ҳозирдан бошлаб муҳаббат тўғрисида томоша кўрсатиб бўлмайди", деди. Нега энди бўлмас экан? Ахир, бу спектаклда Ғарибнинг фақат севгилисига эмас, онасига, дарбадарликда юрганида ватанига муҳаббати кўрсатилади-ку! Қолаверса, агар мактаб боласига бугун соф муҳаббат ҳақида гапирмасак, эртага у бошқа жойда, "бошқача муҳаббат"ни кўриши, ундан андоза олиши мумкин. Шундай бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Умуман, бу борада узоқ баҳслашиш мумкин. Ҳар ҳолда бугун мен болалар театрида тутаётган йўл жудаям ҳалокатли эмас.

**— Олимжон ака, бир вақтлар шундай гап қулоғимга чалинганди. Машҳур режиссёрлардан бири "Кўчадан тўртта мардикор олиб келиб спектакл қўя оламан", деган экан. Очиғи, бу гапдан жуда ҳайрон бўлгандим. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз? Режиссёр ва актёр муносабатлари хусусида нима дея оласиз?**

— Аввало шуни айтиш керакки, актёрлик касбининг режиссёрликдан ёши анча улуғ. Режиссёр деган анча кейин пайдо бўлган. Театр интеллектуаллашиб, ўз олдига катта вазифалар қўя бошлаганидан кейин, маълум ғояларни илгари сура бошлаганидан сўнг театрда режиссёрнинг роли кўтарилган. Режиссёрдан юксак билим, ўз даврининг етук кишиси бўлиш талаб қилинган ва шу тариқа у театр етакчисига айланган. Актёр ва режиссёр вазифалари ажратилган. Лекин бу актёр ҳамма вазифаларни режиссёрга юклаб қўя қолган, дегани эмас. Зеро, актёрлик санъати театрда ҳамма вақт асосий бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Ҳақиқий актёрлик санъати бўлмаса, режиссёр ҳеч нарса қила олмайди. Бу икки касб эгаларининг ўзаро муносабатлари, ҳамкорликлари театр санъатининг савиясини белгилайди.

Баъзан "бу жуда қаттиққўл режиссёр, актёрларга имкон бермайди", ёки аксинча, "бу режиссёр актёрга хоҳлаган ишларини қилишларига қўйиб беради", деган гаплар бўлиб туради. Агар бундай "қаттиққўллик" ё "юмшоққўнгиллик" асосида профессионализм, катта маҳорат ётмас экан, демак, бу жойда мутаносиблик (гармония) бузилган ва ҳар икки ҳолатда ҳам "театр" деган ажойибот юзага келмайди. Актёр ва режиссёр "тўқнашувлари" ижод устида, маълум бир асар устида бўлса эди... Афсуски, кўпинча, қилган ишлари ҳеч нарсага арзимаса-да, "буюкликка даъвогар"лик қилувчи режиссёр ёки актёрнинг амбициялари бундай "тўқнашувлар"ни келтириб чиқариб, бутун бир жамоани издан чиқаради.

Бугунги театрда режиссёрнинг ижодий устунлиги, хусусан, савия устунлиги жуда кўп нарсани ҳал қилади. Лекин бу устунлик ҳаддидан ошиб кетса, актёр имкониятлари поймол қилиниши мумкин.

Назаримда, кейинги пайтларда актёр ўз позицияларини режиссёрга "ишониб" топшириб ёки атайлаб «режиссёр бор-ку, менга нима", деган қабилда иш тутиб, анча-мунча ютқазиб қўйди. Натижада шундай актёрлар ўз устида ишлаш, рол устида ишлаш каби асосий вазифаларини бутунлай ёки қарийб бажармай қўйдилар. Аксарият актёрлар бутқул ўқимай қўйдилар, "Интеллектуал актёр" деган тушунчадан узоқлашиб кетилди. Баъзан актёрларнинг репетицияларга тайёр эмасликлари, ролларнинг моҳиятини ўйламасликлари, ўртамиёна ёки ундан паст маҳорат "қаттиққўл" режиссёрларни келтириб чиқариши мумкин.

**— Сиз ўзингизни қандай режиссёр деб ўйлайсиз. Қаттиққўлми ёки..?**

— Бир неча йилдан буён театримиз актёрларидан ҳар йили битта индивидуал ижодий иш қилишларини сўрайман. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир актёр театримиз учун оригинал бир асарни топиб, ўзлари таҳлил қилиб, ижро этишлари керак. Улар шу баҳонада изланишади, китоб ўқишади, деб умид қилдим. Бўлмади. Кейин мажбур қилдим, кейин театр билан тузадиган шартномаларининг шартларидан бирига айлантирдим. Барибир, бўлмаяпти.

Актёрларни тушунаман, тирикчилик деган гаплар бор... Бу киноя эмас, самимий гаплар. Лекин бир нарса ҳақиқатки, ҳар қандай шароитда ҳам касбнинг ўзи қонунларига, талабларига риоя қилинмас экан, касбга нисбатан беписандлик юз берар экан, қилаётган ишларимизнинг натижаси ўртамиёна бўлаверади.

Худди шундай гапларни режиссёр тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Ўзи режиссёр деган касбнинг ҳақиқий эгалари оз бўлади. Айниқса, ҳозирги режиссёрлар билан уларнинг ўрнига келадиган ёшлар орасида катта бўшлиқ пайдо бўлаётгани мени хавотирга солади. Сизга бир воқеани айтиб берай. Ҳузуримга Санъат институтининг режиссёрлик факултетини тугатган иккита мутахассис келди. Улар билан суҳбат орасида чет эл драматургиясидан бирор асар ўқиган-ўқимаганларини сўрадим. Афсуски, иккови ҳам ҳеч нарса ўқимаган экан. Ҳа энди, у чет эл, ўзимизнинг улуғ ёзувчи Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар"ини ҳам, "Меҳробдан чаён"ини ҳам ўқимаганларига нима дейсиз! Очиғи, нима дейишга ҳайронсан. Қандай қилиб улардан тузуккина режиссёр чиқишига ишониш мумкин? Эҳтимол, бу бир бўлиб қолгандир, дерсиз. Афсуски, бундай мисоллар оз эмас.

**— Бугунги театр танқидчилиги сизни қониқтирадими?**

— Аввало, "театр танқидчилиги" деган тушунчага қаршиман. Театр асарларини мушоҳада қиладиган, таҳлил ва талқин қила оладиган театршунослар кўпроқ бўлиши керак. Театршуносни мен шу соҳанинг ривожланишига ёрдам берувчи биринчи дўст, деб тушунаман.

Назаримда, театршуносларимиз театрдан узоқда юриб, унга баҳо берадилар. Театршунос доимо театрнинг ичида бўлиши керак. Дунёдаги кўпгина театрларда театршунослар шу даргоҳнинг ўзида ишлайдилар, унинг фаолияти билан ҳар куни шуғулланадилар. Театр назарияси ва амалиёти жамоа билан ҳамжиҳатликда олиб борилади.

Ҳозир аксарият театршуносларимиз тақризни илгаридан маълум бир қолиб асосида ёзадилар: пиесанинг қисқа сюжети, саҳналаштирган режиссёр, актёрлар ва улар ижросига оз-моз шарҳ, саҳналаштирган рассомнинг номи, охирида бироз танқидий фикр.

Агар театршунос спектакл устида чуқур мушоҳада юритса, унинг компонентлари — режиссура, актёрлар ижроси, рассом ва бошқаларнинг ишини профессионал таҳлил қилса, саҳна асари моҳиятини театр санъатининг пухта билимдони сифатида ёритса, у театрга ёрдам берган бўлади. Театршунос жамоанинг мазкур иши бугун театр жараёнига қанчалик дахлдорлигини, ишнинг нимаси янгилигу, қандай жиҳатлари талабга жавоб бермайди, театр жамоасининг шароити қандай, агар яхши ишлар кам бўлса, унинг сабабларини чуқурроқ ўрганиб, баралла айта олиши керак, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, театршунос бу жараённинг назоратчиси эмас, балки унинг қандай бўлишини белгилашда театр билан баравар жавобгар одам бўлиши керак. Худога шукр, бундай мутахассисларимиз, театримизнинг дўстлари бор, фақат уларнинг сафи кенгайишига умид билдираман.

**— Ёш томошабинлар театрининг келажагини қандай тасаввур қиласиз?**

— Болалар театрида ишлаётганимдан фахрланаман. Бугун бу театр мен учун қадрдон даргоҳга айланган. Ҳозирги кунда болалар тарбияси давлатимизнинг асосий сиёсати даражасига кўтарилди. Бу сиёсатни амалга оширишда театрга, хусусан, Ёш томошабинлар театрига ва менинг зиммамга катта вазифа юклатилганини жуда аниқ ҳис қиламан.

Юртимизда кейинги йилларда театр бинолари, санъат кошоналари қуришга 20 миллиард сўм пул сарфланибди. Бу ҳазилакам гапми? Миллий театримиз, Рус академик театри биносига кирганимда, Санъат саройларимизни кўрганимда, кўзларим қувонади. Энди болалар учун ҳам яхши бир бино қуриб берилса керак, деб умид қиламан.

Ўтган йили Германиянинг Нюрнберг шаҳрида болалар ва ёшлар театрлари режиссёрларининг халқаро симпозиумида қатнашдим. Турли мамлакатлардан келган режиссёрлар болалар театрининг бугуни ва эртаси тўғрисида тажриба алмашишди. Бу анжуман шаҳарнинг "Мумпец" болалар театри биносида ўтказилди. Бинонинг қурилиш тарзига қойил қолдим. Биринчи қаватда болалар учун турли ўйинлар ўрнатилган. Бу ўйинлар болаларнинг ақлини, фикр доираси, мушоҳада қилиш қобилиятини ривожлантиришга мўлжалланган. Иккинчи қаватда болалар ота-оналари назоратида уй-рўзғор ишлари билан шуғулланишади. Театрга болаларни фақат ота-оналар олиб келишади. Театга саёҳат спектакл кўриш, актёрлар билан учрашув билан тугайди.

Германияда 150га яқин театрлар болалар учун томошалар кўрсатишади. Болалар театрида ишлаш катта шараф. Бундай театрларнинг актёрлари бошқа театрдагиларга нисбатан кўпроқ маош олишаркан. Бизнинг Ёш томошабинлар театри мақоми қачонлардир 3-тоифали қилиб белгиланган ва театр ходимларининг маоши ҳам шунга қараб, республика тоифасидаги бошқа театрларга нисбатан 2 разряд паст. Бу масалани кўриб чиқиш учун биз бир неча бор Маданият ишлари вазирлигига, "Ўзбектеатр"га, ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Меҳнат вазирлигига мурожаат қилдик. Қарангки, театр мақоми унда қанча "халқ артистлари" ишлаётганига боғлиқ экан.

Ёш томошабинлар театрида ўзбек театр санъатининг катта дарғалари, кўплаб халқ артистлари ишлаган. Ҳозир уларнинг сони кўп эмас. Лекин театримизнинг бугунги ижодий ишлари юртимиздаги етакчи театрлардан кам эмас. Кейинги йиллар ичида театримиз ўз олдига қўйилган ҳамма вазифаларни бажаряпти. Қолаверса, ўзбек театри шаънини ўнлаб халқаро театр фестивалларида — Европа, Осиё, Араб мамлакатларида ҳимоя қила олганидан қувонаман.

Ижодий масалалардан четга чиққаним учун узр, лекин болалар театрининг эртаси деганимизда, шу масалаларни ҳал этиш ҳам жуда муҳим. Ҳар ҳолда, болалар театри келажакда фарзандларимизнинг энг севимли даргоҳларидан бўлиб қолишига умид қиламан.

**Суҳбатни Гулчеҳра УМАРОВА ёзиб олди**

# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ўзбек халқининг қадимий байрами — Наврўзга бағишланган, миллий урф-одатлар ва қадриятларни таранум этувчи, янги анъаналарни қарор топтиришга йўналтирилган ижодий ғояларнинг ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида 2004 йил 1 январдан 2004 йилнинг 10 февралига қадар қуйидаги йўналишлар бўйича республика**

**ОЧИҚ ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ:**

— Наврўз умумхалқ байрамини ўтказишга доир ижодий ғоя учун;
— пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун;
— янги яратилган мусиқа асарлари учун;
— байрам томошасини саҳналаштириш режаси учун;
— энг яхши бадиий-декоратив безаш учун.

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ**

Тавсия қилинадиган бадиий дастурлар муаллифлари танловда кўрсатилган йўналишлар бўйича якка тартибда ёки ижодий гуруҳ бўлиб қатнашишлари мумкин. Муаллифлар бадиий дастурларининг матнларида Наврўз байрамининг тарихий анъаналари, қадимий халқ ўйинлари, термалари, қўшиқлари ва фолклор-этнографик хусусиятларини байрамона руҳда ифода этишлари, Мустақиллик туфайли республикамизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни,ислоҳотларни ва янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда кўрсатишлари ҳамда уларда пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Алишер Навоий номидаги мажмуаси, Ўзбекистон Миллий боғи, Тошкент шаҳри майдонлари ва сайилгоҳларини ҳисобга олишлари шарт.

Бадиий дастурлар қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Байрам бадиий дастурлари бир ярим соатга мўлжалланиши ва компьютерда ёки машинкада 3 нусхада кўчирилган бўлиб, 30-40 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Ғолиблар ҳайъат аъзоларининг очиқ йиғилишида учдан икки фоиз овоз олиш орқали аниқланадилар. Ҳайъат танлов эълон қилинган кундан эътиборан иш бошлайди. Ҳайъат котибият белгилаган кунда йиғилиш ўтказиб, ғолибларни аниқлайди.

**ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА ТАҚДИРЛАНАДИЛАР:**

**Ижодий гуруҳлар учун**
**1 мукофот — 400000 (тўрт юз минг) сўм;**
**2 мукофот — 300000 (уч юз минг) сўм;**
**3 мукофот — 200000 (икки юз минг) сўм.**

**Якка тартибда иштирок этганлар учун:**
**1 мукофот — 150000 (юз эллик минг) сўм;**
**2 мукофот — 100000 (юз минг) сўм;**
**3 мукофот — 50000 (эллик минг) сўм.**

Биринчи мукофот соҳиблари пойтахтдаги асосий байрам томошасини саҳналаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

**Танлов муассислари:**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзтелерадиокомпания, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадиий академия, "Наврўз" халқаро жамғармаси.

Танловда иштирок этишни истаганлар 2004 йил 10 февралга қадар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: 700129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй, Маданият ишлари вазирлиги.

Телефон: 144-63-73.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Байрамали МУҚИМОВ
Саҳифаловчилар — Фаррух РАСУЛОВ, Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 861. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН